

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

Гулистон давлат университети

“Экология ва география” кафедраси

**5110500-Экология ва табиатни муҳофаза қилиш таълим
йўналиши**

33-12-гуруҳ талабаси Хасанов Сардор Рашидовичнинг

**“Минтақада экотуризмни ривожлантириш
муаммолари” мавзусида бажарган**

битирув малакавий иши

**Раҳбар: “Экология ва география”
кафедраси ўқитувчиси Эргашева Ф.**

Гулистон-2016

Битирув-малакавий иши кафедранинг 2016 йил _____даги _____ - йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Ҳимояга тавсия этилди _____ А.Юлдашов, кафедра мудири,
география фанлари номзоди.

Такризчилар _____

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда, туризм юқори даромадга эга ва динамик тарзда ўсиб бораётган энг йирик иқтисодий тармоқлардан бири ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, дунёда 280 млн.дан ортиқ киши туризмда фаолият кўрсатишади, яъни ҳар ўн ишчидан биттаси ушбу соҳага тўғри келади.

Президентимиз И.Каримов “Туризмни ривожлантиришда рекреация тизимидаги вазифаларни ҳал этишда муайян ҳудуд яшаш учун яхши қурилган биноларга эга зоналарни, гидротехник ва инженерлик қурилиши, транспорт магистраллари, бошқарув органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи субъектларни ўз ичига олган табиий ва маданий мажмуаларга эга бўлиши лозим. Бунинг учун ижтимоий инфратузилма объектлари яъни аҳолининг саломатлигини бевосита тикловчи ва таъминловчи муассасалар – касалхоналар, санатория ва дам олиш муассасалари, пансионатлар, санатория-профилакториялар, дам олиш уйлари ва бошқаларни ривожлантириш муҳим. Энг муҳими, мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни тубдан яхшилаш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш масалалари кўзда тутилилиши ҳозирги даврнинг талабидир, Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни ҳал қилмоғимиз лозим»¹. –деб таъкидлаб ўтдилар.

Бу борада саҳобатли билан миллионлаб кишиларни лол қолдираётган тарихий обидаларимиз чет элликларни чорламоқда. Аммо, аждодларимиз бунёд этган 36 минг тарихий обидадан 7 мингтагинаси сақланган.

¹ “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 29январь.

Тоғларнинг табиати шифобахш ва мафтункор жойларида даволанадиган ҳамда дам олинадиган кўплаб масканлар мавжуд.

Қатор ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичларида туризм маъмурчилик, фаровонлик, даромад келтирувчи манбалардан бирига айланиб бўлган соҳадир. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ВТО) туризмнинг бешта турини энг истиқболли йўналиш, дея эътироф этди. Булар: Саргузашт, туризм, денгиз ва сув туризми ва экотуризм. Бу бешта туризм тури ичида энг ёш ва истиқболли йўналишлардан бири экотуризм бўлиб, у энди ривожланиб келаётганлиги, кам ўрганилганлиги ҳамда сердаромадлиги билан ажралиб туради. Бизнинг республикамизда ҳам экотуризмни ривожлантириш учун катта аҳамият берилмоқда. Бу борада қатор давлатимиз қарорлари, қонунлари ишлаб чиқилган ҳолда, туризм давлат аҳамиятга эга бўлган масалалар қаторига олиб чиқилди. Уни ўрганишга, ҳаётга тадбиқ этишга эътибор берилмоқда. Бу чора-тадбирларнинг барчаси бежизга қабул қилинган эмас. Чунки туризмни ривожлантириш, айниқса, экотуризмни иқтисодий жиҳатдан энг унумдор соҳага айлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, экотуризмнинг асоси бўлган табиий туристик ресурсларнинг турли кўринишлари мавжудки, ушбу ҳол туризмни бу турини ҳалқаро масштабга олиб чиқиш учун муносиб асос бўла олади. Аммо республикамизда экотуризм, унинг ресурслари атрофлича ўрганилмаган бўлиб, бу хусусда санокли тадқиқотларгина олиб борилган ҳолос. Ана шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, тадқиқот мавзуси ўзининг долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилганлигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бу муаммоларни ҳал этишда туризм соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган дунёнинг етакчи олимларидан Доналд Ландберг, М. Кчишналор, Майк Ставенга, М.Ансофф, Р.М.Болмостор ва бошқа кўплаб олимлар ўз илмий изланишларида атрофлича тўхталиб ўтишган. Шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари олимларидан В.И.Азар, В.Кистанов, А.Ю.Александрова, Н.С.Бургаков, В.Ф.Молчанов, В.А.Честникова, И.Зорин, Ж.Коз, А.Кондратьев ва бошқа

кўплаб олимлар ўз илмий тадқиқотларида туризмнинг иқтисодий имкониятларини ошириш тўғрисида ўзларининг илмий-амалий фикр-мулоҳазаларини берганлар.

Мамлакатимиз олимларидан А.Саидов, Г.Назарова, Т.Т.Ташмуратов, Б.Ҳусанбоев, А.Таксанов, Н.Абдусаломова, М.Алиева, А.Норчаев ва бошқа кўплаб олимлар ҳам ўзларининг илмий таклифлари билан туризм ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш, ривожлантиришнинг назарий-амалий асосларини яратилишига муҳим ҳисса қўшишган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу тадқиқот ишининг мақсади –Ўзбекистоннинг экотуристик ресурсларини ўрганиш орқали туристик маршрутларни табиат минтақалари бўйлаб ишлаб чиқиш ва ривожлантиришдан иборатдир. Шунга кўра тадқиқот иши қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон туризмнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун табиий турресурсларнинг мавжудлик даражасини белгилаш;
- Ўзбекистонда экотуризмнинг баландлик минтақалари асосида ташкил этиш тамойилларини тадқиқ этиш;
- Туристик йўналишларни баландлик минтақалари асосида ташкил этиш.

Ушбу тадқиқот ишининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни бажарар экан тадқиқотчи диққат эътиборини экотуристик ресурсларнинг баландлик минтқалари бўйлаб тарқалиш хусусиятларига қаратди. Чунки туризмни баландлик минтқалари бўйлаб ташкил этиш тартиби катта амалий аҳамият ҳам касб этади. Натижада чўл, адир, тоғ ва баланд тоғ (яйлов) минтақалари бўйлаб 71 та йўналишда турлар ташкил этиш имконияти кўрсатилган. Ушбу тадқиқот экотуризмни баландлик минтқалари бўйлаб ташкил этиш йўлида олиб борилган дастлабки илмий уринишлардан биридир. Зеро, бу хусусида олиб бориладиган келгуси тадқиқотлар экотуризмни ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот предмети. Тадқиқотнинг предмети бўлиб Республикамизда экотуризм тизимини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари, шунингдек “Ўзбектуризм” Миллий компанияси томонидан ишлаб чиқилган йўриқнома ва ҳаракат дастурлари ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистонда ташкил этилган экотуризм тизими доирасида фаолият олиб бораётган ташкилотлар ва туристик фирмалар ва агентликлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишида минтақада экотуризм тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари ва асослари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида берилган экотуризм ресурслари ва унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш таклифлари амалий жиҳатдан Республикамизда туризмни такомиллаштириш ва ташкиллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши. Тадқиқот иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Экотуристик ресурсларнинг таснифи

№	Экотуристик ресурсларнинг турлари		Экотуристик ресурсларнинг қисқача тавсифи
	тур	тури	
1.	Геологик	Петрографикалитологик	Тоғ жинсларининг энг қадимги намуналари, уларнинг тектоник кучлар натижасида силжиши, синиши, бурмаланиши натижасида ғаройиб тус олган нукталари.
		Палеонтологик	Қадимги геологик даврларда яшаган жониворлар, ўсимликлар олами вакиллариининг тош қотган қолдиқлари, скелетлари, излари ва ҳ.
		Гидрогеологик	Термал, субтермал, айрим ҳолатларда одатий ҳолатдаги ҳароратга эга бўлган турли газ ва кимёвий унсурларга тўйинган, шу боисдан баъзанҳидли, таъмли (аччиқ, шўр, нордон) ер ости сувларининг бурғу қудуқлари ёрдамида ер юзасига чиққан ютуқлари
2.	Геоморфологик	Ер усти геоморфологик	Ер юзасининг устки қисми бўйлаб ҳосил бўлган чўл, адр, тоғ, баланд тоғ минтақалари учун хос рельеф формалари: барханлар, дюналар, тақирлар, жарликлар, чинклар, карст ҳосилалари, куэсталар, сиртлар ва ҳ.
		Ер ости геоморфологик	Ер юзасининг остки қисми бўйлаб ҳосил бўлган ғорлар, карст шахталари, карст қудуқлари ва ҳ.
3.	Иқлимий		Об-ҳаво элементларининг тўрт фасл бўйича турли тарзда шаклланиш хусусиятлари.
4.	Гидрологик	Патамоник	Ирмоқлар, сойлар, дарё,

			канал, ариқларнинг филторличи соҳилларнинг чиройли манзараси экзотик манзара кашф этиш ҳолати.
		Лимнологик	Кўллар, ҳовузлар, қудуқ, булок, сардоба, кориз бўйида ҳосил бўлган дилтортар манзаралар.
		Гляциологик	Тоғ музликларива унга боғлиқ ҳолда вужудга келган ғарайиб манзаралар.
5.	Органик	Грунт	Тупроқ қоплами билан боғлиқ бўлган ҳолда юзага келган ноодатий ҳолатлар. Шўрхоклар, шўрланган, иккиламчи шўрланган, ботқоқлашган ерлар ёки тоғлардаги гумус миқдори ўта юқори бўлган унумдор тупроқ турлари ва ҳ.
		Ботаник	Эфемер ва эфемероидларнинг баҳор фаслида ялпи гулзор тарзига кириш ҳолати, чўллардан саксауулзор, дарё бўйларидаги тўқайзорлар, тоғлардаги арчазорлар, ёввойи тарзда ўсувчи реликт ёнғоқзор, пистазор, бодомзор, анжир, узумзорлар ҳамда қадимги асрий арчалар, чинор, тут каби улкан дарахтлар.
		Зоологик	Ёввойи айрим ҳолатларда ҳонаки тарзда яшовчитурли жонворлар; паррандалар, балиқлар, судралиб юрувчилар ва ҳ.
		Ландшафт	Рельеф, ҳаво ички сувлари, органик дунё вакилларининг инсон таъсирига кам берилган, яъни табиийлиги яхши сақланган ҳудудлар.
6.	Тарихий-географик		Қоя сураatlари, инсонларнинг қадимги яшаган манзилгоҳлари, табиат билан омукталашиб кетган айрим қадимги обида-теппаликлар ва ҳ.

Хулоса

Ушбу тадқиқот ишида табиий–географик комплексларнинг экотуристик ресурслар сифатида акс этиши тадқиқ этилиш билан биргаликда, экотуризмнинг фан сифатида шаклланиш хусусиятлари, туризмни давлат аҳамитига эга бўлган ҳужжатлар асосида ривожлантириш масалалари, экотуризм фанига оид таянч иборалар тавсифи, экотуристик ресурсларни таснифлаш каби масалалар ўрин олгандир. Чунончи ушбу муаммолар бир қатор ёш ва энди ривожланишга юз тутган фан – экотуризмни ўрганишнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Экотуризм ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун, даставвал туризм ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш лозим бўлади. Шу боисдан ушбу тадқиқот ишида туризмга оид бўлган барча турлар ва уларнинг таркибий қисми бўлган экотуризмнинг ушбу гуруҳда тутган ўрни таҳлил этилади. Шу билан биргаликда экотуризмнинг бошқа турлари билан узвий бирлик даражаси ҳам ўрганилган. Шунини ҳам эътироф этиш керакки, ишда экотуристик ресурсларга тариф берилиб, улар илмий асосда таснифланади. Ушбу тасниф бўйича қуйидаги беш гуруҳдан иборат экотуристик ресурслар тури шаклланганлигини кўрамиз: геологик ресурслар, геоморфологик ресурслар, иқлимий ресурслар, гидрологик ресурслар, органик ресурслар, тарихий-географик ресурслар. Ўз навбатида геологик ресурслар: а) петрографик – литологик. б) палеонтологик, гидрогеологик турларга ажратилган ҳолларда, гидрологик ресурслар – а) патомоник, б) гляциологик, в) лимнологик, органик ресурслар: а) грунт, б) ботаник, в) зоологик, г) ландшафт ресурсларига тақсимланиб ўрганилади. Ушбу ресурсларнинг барчаси ҳам экотуризмни ривожлантиришда ўзига ҳос аҳамият касб этиши тадқиқ этилар экан, уларнинг баландлик минтақалари асосида географик тарқалиш хусусиятига ҳам эътибор қаратилади.

Туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, мамалакат иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бу соҳада

ривожланган давлатларда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шу каби бизнинг Республикамизда ҳам туризмга айниқса кейинги йилларда эътибор кучайиб бормоқда.

Туризмнинг мамалакат иқтисодиётидаги муҳим тармоқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон экотуризм тизими асосида соҳани ривожлантириш, уни ўрганиш, туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш ва миллий туризм моделини шакллантириш зарурий ишлардан биридир.

Туризм ва атроф-муҳит ўзаро боғланган. Жисмоний муҳит (табиий ва инсон томонидан яратилган) кўплаб хушманзара элементларга эга. Лекин туристик фаолият бу муҳитга ҳам ижобий, ҳам салбий экологик таъсир кўрсатиши мумкин. Туризмни ривожлантириш ва уни бошқаришни шундай амалга ошириш керакки, токи ўтказилган жараёнлар атроф-муҳитни бузишга хизмат қилмасин, балки у билан уйғунлашиб кетсин. Табиий ҳудудларни, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, миллий (минтақавий) парклар ва заповедникларни, бошқа туристик диққатга сазовор жойларни ривожлантиришни асослаш ва маблағ билан таъминлашга хизмат қилиш. Бу чора атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун чекланган маблағларга эга мамлакатлар ва минтақаларда айниқса самара беради.

Археологик ва тарихий объектларни сақлашни, улар бузилиб кетмаслиги ёки умуман йўқолиб кетмаслиги учун асослаб бериш ва маблағ билан таъминлаш зарур.

Туристлар келадиган жойларнинг жозибадорлиги, тозалиги ва ифлосланмаслигини таъминлай бориб атроф муҳитнинг сифатини яхшилаш керак. Муваффақиятли жойлашган туристик объектлар ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ қуринишини безаши мумкин. Атроф-муҳитнинг сифатини яхшилаш, уз навбатида, инфраструктуранинг (сув таъминоти, канализация, қаттиқ чикитларни йўқ қилиш ва б.) такомиллашувига кўмаклашади.

